

ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ ВИДЕО МЕДИАЛАР ВА ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ҚЎЛЛАНИШИ

Қувонч ЭҲСОНУЛЛО

таянч докторант

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистан

Аннотация

Ушбу мақолада, Афғонистоннинг ҳукуматлари даврида бўлган матбуотлар, Афғонистон медиаси, видео медиаси ва видео медиаларнинг тарихи, Афғонистонлик Ўзбеклар тилининг телевиденияларда қўлланиши ҳамда Ўзбек тилининг ижтимоий тармоқларда ишлатилиши ва давлат идоралардаги ўрни ҳақида сўз юритилган.

Таянч сўзлар: Афғонистон, ўзбек тили, матбуот, телеканаллар ва ижтимоий тармоқлар.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКА В ВИДЕОСМИ И СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЯХ В АФГАНИСТАНЕ

Қувонч ЭҲСОНУЛЛО

базовый докторант

Университет узбекского языка и литературы
Имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье рассматривается история печати во времена афганских правительств, Медиа Афганистана, видео медиа, использование узбекского языка на телевидении, социальных сетях и государственных учреждениях.

Ключевые слова: Афганистан, узбекский язык, пресса, телеканалы и социальные сети.

Расмий шаклда видео еткармалар (телевидение)нинг бошланиши ҳам, Афғонистон матбуоти тарихида ярим асрга яқинлашиб қолди. Афғонистонда телеканалнинг ўтмишига назар ташлайдиган бўлсак, Сардор Муҳаммад Довудхон ҳукумати қулатилиб, 1978 йили (1357 х) Нур Муҳаммад Таракий раҳбарлиги остида Афғонистон халқ демократик партияси ҳукуматни эгаллаган пайти, Афғонистон миллий телевиденияси номи остида, ушбу видео еткарма давлат ташкилотида расмий фаолият бошлаган. Асосан, Профессор Шаръий

Жувзижонининг мақоласига кўра “Афғонистонлик ўзбеклар курашиши билан биринчи маротаба Нур Муҳаммад Таракий буйруғида ўзбеклар ва Туркманларнинг тиллари юксалиши учун ҳукуматнинг тўртинчи буйруқномаси имзоланиб чиққандан сўнг, таълим ва матбуот ишлар ёнида, ўзбек санъатчилиги бир қатор Афғонистонлик ўзбеклар ташаббуси билан “Зафар” ва “Гулшан” мусиқа гуруҳлари номи остида ташкил этилиб, ушбу мусиқа гуруҳининг ижро этилган кўшиқлари, Афғонистон миллий телевиденияси орқали тарқатилар эди” [9]. Журналист Муҳаммад Олим Куҳканнинг мақоласига кўра “Илк марта, Афғонистонда ўзбек тилида радио фаолият бошлаганига ярим аср тўлмоқда. 1970 йили (1350 х) октябр ойининг 2-куни, Афғонистон радиосида ўзбек тили эшиттиришлари бошлатилган эди. Толибоннинг собиқ ҳокимияти қулатилиб, мамлакатда янги нисбатан демократик тизим шакиллангандан сўнг, миллий телевидения қошида Ўзбекча кўрсатувлар учун вақт ажратилди. Ҳозирги кунда ушбу телевиденияда 30 дақиқалик кўрсатув берилади. Кўрсатувнинг 10 дақиқаси янгиликларга ажратилган. Хабарлар форс-дарий тилидан ўзбек тилида таржима қилиниб тақдим этилади [1; 99].

2001 йил сайлов воситаси билан юзага келган ҳукумат даврида, ўзбек тили матбуоти учун кўзга кўринарли ишлар бажарилди. Ундан олдинги ҳукуматлар даврларида хусусий видео етқармалар аслан мавжуд бўлмай, давлат миллий телевиденияда эса, фақат ўзбек тили учун ярим соатлик вақт ажратилган эди. Афғонистон ўзбеклари курашиши ва айниқса ўзбек буюқларининг жонкуярлиги ва ташаббуси билан ушбу демократик тизим даврида ўнларча телевидениялар қурилди ва ўзбек тили ҳам ўзига яраша Афғонистон матбуотида ўрин олди. Энди, Афғонистон ёзувчиларининг ёзувларига кўра “Афғонистонда янги тизим келиши билан, сохта бўлса ҳам демократия шаббодалари эсаётгани бир пас сезилиб қолди. Мана шу янги тизим асосий қонунида зўрға бўлса ҳам, ўзбек-туркман тиллари расмий мақомга эга бўлиши ўзбек тилида фаолият қилиш эшиқларини ланг очиб

қўйди. Ана шундай шароитда миллионлаб Афғонистон ўзбек йигитларининг жасоратига қурилган миллий исломий Жунбиш партиясининг раҳбари Маршал Абдуррашид Дўстим ташаббуси ва молиявий ёрдами билан “Ойна” хусусий телевиденияси, мамлакатда илк хусусий телевидения ўлароқ иш бошлади ва бундан ўзбек дастурлари кенг тарқатилиши, ўзбек тили гуллаб-чақнаши учун катта ютуқ эди. Ниҳоят мана шу ички ҳаракатлар сабабли халқаро еткармалар ҳам Афғонистон ўзбек тили учун дастурлар яратишга киришди” [7; 279].

Мана шу асосда 2001 йилдан (1381 ҳ) бошлаб “Афғонистон тарихида биринчи марта хусусий еткармалар фаолияти бошланди. Мамлакатда асос қўйилган “Ойна” телевиденияси орқали ўзбек тилида янгиликлар, телевидения кўрсатувлари тайёрланиб, ёйила бошлаган эди. “Ойна” ва “Ботур” телевидениялардан бўлак, “Ориёно” халқаро телевиденияси, “Оризу”, “Нурин”, “Нур” ва “Раҳи Фардо” каби халқаро телевиденияларида ҳам ўзбек бўлимлари очилиб, Форс ва Пашту тиллари ёнида муайян соатларда ўзбекча кўратувлар, айниқса ўзбекча янгиликлар ёйила бошлади. Мазкур кўрсатувларни ўзбеклардан бошқа халқлар диққат-этиборини ҳам ўзига қаратган вақтлари ҳам бўлгандир” [5; 239-240].

Ҳақиқатан “Бу йиллар давомида Афғонистоннинг хусусий еткармаларида ўзбек тилидаги нашриётлар кўп топилди ва аксарият хусусий телеканаллар ўзбек тилида эшиттиришлар бошлади. “Ботур” ва “Алмос” телевиденияларининг тили эса, бутунлай ўзбекча бўлиб, матбуот соҳасида шу фаолият олиб борар эди. Булардан бўлак “Ойна”, “Нур”, “Раҳи Фардо”, “Оризу”, “Бирлик”, “Бек” телеканаллари ва вилоятлардаги маҳаллий радио ва телевидениялар ўзбек тилида эшиттиришлар бериб келгандир” [2]. Айниқса, “Ойна” ва “Ботур” телеканаллари, Афғонистон ўзбек тили учун катта рол ўйнаган “Ойна” хусусий телевидениеси эса, сўз эркинлигини тамсил қилиш учун Афғонистон бўйича биринчи марта Маршал Дўстим молиявий имконияти билан қурилди. Ўзбеклар овози, ўзбекча

сериаллар, ўзбекча дастурлар, ўзбекча янгиликлар, ўзбекча урфу одатлар ва ўзбекча халқ кўшиқлари бу телевидения орқали ҳар кеча-кундуз дунё бўйича чиқарила бошланган. Ушбу сиёсий ва миллий шахсиятимиз яхлит “Ойна” телевидениясини ўзбек тили ривожига учун етарли билмай, ўзбек тилига махсус “Ботур” телевидениясини ҳам ташкил қилиб, бу телевидениясидан тўқсон фойиз ўзбекча эшиттиришлар бердириб келмоқда эди” [6; 87-88].

Афсуски, демократик ҳукумат қулатилиб, 2021 йили (1400/4/25х) август ойининг 15-куни, Толибон гуруҳи қайтадан ҳукуматни эгаллагандан сўнг, сиёсий омиллар сабабли “Ойна” ва “Ботур” телеканалларининг матбуот фаолияти бутунлай тўхтатилиб, эшиттириш қилишга рухсат берилмаган.

Энди, йигирма йил орасида 2001 йилдан 2021 йилгача Афғонистон ўзбекларининг тиллари ўз кучларига яраша курашиб, турли соҳалар, хусусан матбуот соҳасида ҳаракат қилганлар. Мана шу ички ҳаракатлар боис халқаро етқармалар ҳам Афғонистон ўзбек тили учун дастурлар яратишга киришди. Жумладан, ББС халқаро етқармаси Ўзбекистон ўзбек бўлимидан ташқари, ярим соат Афғонистон ўзбеклари учун ҳам дастур тайёрлади. Бунинг ёнида Озодлик, ТРТ, Америка овози каби ўнга яқин халқаро етқармалар, бизнинг тилимизда дастур ярата бошлади. Бу Афғонистонда ўзбекларнинг кенг кўламда борлигини кўрсатар эди [7; 279].

Энди эса, Афғонистон бўйича ўзбек тилининг ривожига учун махсус хизмат қилиб келаётган ўзбек халқига тегишли 7 та маҳаллий ва халқаро телеканалларни қисқача таништириб ўтамиз.

“Ойна” халқаро телеканали Афғонистон бўйича биринчи хусусий телеканал бўлиб, Афғонистон ўзбекларининг раҳбари Маршал Абдуллашид Дўстимнинг молиявий ёрдами билан 2004 йилнинг январ ойи 19-кунида, ўзбекларнинг тили ва маданиятини юксалтириш учун Жувзжон вилоятида ташкил этилиб, расмий шаклда фаолият бошлади. “Ойна” телевиденияси ташкилотининг

биринчи бошлиғи Сайид Анвар Содод бўлиб, ушбу телеканал талаб даражасида ишлаши учун жон куйдирган. “Ойна” телевиденияси медиа имтиёз эгаси эса Ёр Муҳаммад Дўстим ҳисобланган [4].

Кейинчалик 2008 йили Азизуллах Аралнинг бош муҳаррирлиги пайтида “Ойна” телеканали пойтахт Кобулга олиб борилди ҳамда телевидения дунё миқёсида иш бошлади. Бироқ 18 йилдан кейин 2021 йилда Толибон Афғонистон ҳукуматини эгаллаши билан, Афғонистон мустақил ёзувчилар уюшмасининг айтишича 2022 йилининг феврал ойини 15-куни, молиявий муаммолар сабабли бу телеканал ишлари тўхтатилган.

“*Ботур*” телеканалининг эгаси Маршал Дўстимнинг ўғли Ҳожи Ботур Дўстим, бош муҳаррири эса Ҳабиб Қуёш бўлган. Бу телевидения 2014 йилнинг июл ойининг 22-куни сунъий йўлдошга чиқиб жаҳоний фаолият бошлади. У узок йиллар ўзбек тилида кўрсатувлар берди. Лекин сиёсий омиллар сабабли кўрсатувлар фаолияти тўхтатилди.

“*Бирлик*” телеканали 2013 йили Тахор вилоятида ташкил этилди. Ушбу телеканалнинг эгаси Муҳаммад Олим Сойи ва бош муҳаррири эса Рамазон Ботурдир. Тахор вилояти Толиқон шаҳрида ўз пайтлар ўзбекча ва форсчада дастурлар тарқатган сўнг, молиявий муаммолар сабабли давомли фаолият қилолмаган.

“*Алмос*” телеканали эса собиқ республика даврида Балх вилоятининг Мазори Шариф шаҳрида ташкил этилди. Бу телевидениянинг эгаси Назиф Солиҳий ва бош муҳаррири эса Бисмуллах Муҳаммадийдир. Бу маҳаллий телеканал анча муддат ўзбек, туркман ва форс тилларида дастурлар тарқатди. Бироқ, сиёсий вазият ва молиявий муаммолар туфайли дастурлари буткул тўхтатилган.

“*Ойлар*” телеканали 2021 йили Тахор вилоятида ташкил этилган. Ушбу маҳаллий телевидениянинг эгаси Меҳробуддин Шарифи ва бош муҳаррири эса

Садруддин Қунавийдир. Тахор вилояти Толиқон шаҳрида анча муддатлар кўрсатувлар фаолият қилиб, ўзбек ва форс тилларида дастурлар тарқатган. Сўнгра, молиявий муаммолар сабабли давомли фаолият қилолмаган.

“Бек” телеканални Афғонистоннинг шимолий вилоятларидан бири Жувзжонда ташкил этилиб, кўрсатувлар бошлаган. Оз муддат мана шу вилоятнинг шаҳри Шибирғонда форс ва ўзбек тилларида дастурлар тарқатгандир. Кейинчалик, сиёсий вазиятга кўра кўрсатувлари тўхтатилган.

“Ой” телеканални 2011 йилида Сабруддин Раҳмоний молиявий ёрдами билан Кобулда ташкил этилди. Бу телеканал Муҳаммад Олим Қуҳқаннинг раҳбарлиги остида оз муддат матбуот фаолиятини бошлади. Лекин, молиявий муаммолар сабабли давомли фаолият қилолмаган.

Афғонистонлик ўзбеклар тили ижтимоий тармоқларда (социал медиа). “Қанча йиллардан буён ижтимоий еткармалар, дунё бўйлаб, яшин тезликда кенгайиб, ер юзида инсонларни ўз тўрига айлантириб келмоқда. Ҳозирги кунда дунё аҳолисининг энг катта қисми ижтимоий тармоқларда фаол қатнашиб кенг миқёсда ундан фойдаланиб келадилар. Афғонистон ўзбеклари ҳам бу қарвондан орқада қолмасликлари керак эди. Улар орасида facebook, twitter, intagram, telegram ва бошқардан фойдаланиш кенг тус олмоқда. Мамлакатимизда кўпчилик ўзбек ёшлари ўз facebook саҳифаларига эга бўлиб, у ерда турли мавзулар бўйича фикр-мулоҳазаларини ёзиб турадилар. Ўзбекларимизнинг орасида ижтимоий тармоқларда ёзувларни она тилида ёзишга бўлган тамойиллари кун сайин кучайиб бормоқда” [1; 103].

Юқоридаги матнлар исботига кўра, баланд мартабали давлат идоралар ҳам, ўз ижтимоий тармоқларидан ўзбек тилида ёзишга ҳаракат қилдилар. Мана шунга асос, биринчи марта “2019 йили май ойининг 28-кунида, республика риёсати сўзловчиси ташкилоти қошида, пашту ва форси тиллари ёнида ўзбек тили бўлими очилиб фаолият бошлади. Ўшандан бери Афғонистон президентининг

фаолиятларига оид янгиликлар, президентнинг веб-сайти, facebook ва twitter саҳифаларида нашр этилмоқда. Президент саройининг матбуот ташкилотида ўзбек тили бўлими очилиб, фаолиятга бошлагани ортидан Афғонистон исломий республикасининг иккинчи ўринбосарлиги матбуоти бўлими, миллий хавфсизлик кенгаши, республиканинг умумий офисининг веб-сайти, республиканинг ишлари бўйича умумий ташкилоти, “Да Афғонистон Биришно” компанияси, миллий Тадорикот ва Афғонистон олий судининг ташкилотларида ўзбекча бўлимлар фаолияти бошланди. Мана шу ижтимоий тармоқлар фаолияти давомида, Афғонистон мустақил сайловлар комиссияси, сайловлар бўйича шикоятларни тинглаш комиссияси ҳамда иш ва ижтимоий ишлар бўйича вазирлигининг матбуоти бўлимлари тамонидан доимий равишда ўзбекча хабарлар нашр этилмоқда. Ушбу юқори мартабали ташкилотларнинг бир қаторида, ўзбек тили бўлими бўйича бир киши ҳам ишга олинди. Кўпинча вазирликлар идоралари ҳам ўзбек тили бўлимлари очилиши борасида сўз берганлар. Бироқ, Афғонистонда ўзбек тилида матбуот нашриёт қилиш қатағон қилинган ёки одамлар ҳукумат ишхоналарида ўзбек тилида сўзлашганларида жарима тўлашга мажбур қилинганликларидан унча кўп вақт ўтмасдан бугунга келиб, биз пашту ва форси тиллари ёнида ўзбек тилида президент саройи ва давлатнинг муҳим ташкилотларининг матбуот ва эшиттириш бўлимларида янгиликлар ва маълумотлар тарқатмоқдамиз. Ҳақиқатда бу ўзи биз учун муҳим ютуқ саналади” [5; 241-242].

Афғонистон исломий республикаси ағдалиб, Толибон ҳукумати келгандан сўнг, ушбу юқори мартабали ташкилотларнинг бир қатори тугатилган. Бир қатор мавжуд бўлиб турган ташкилотларнинг ижтимоий тармоқларида ўзбек тилида эшиттиришлар бермай, бутунлай тўхтатилган. Ҳозирги вазият эса, ўзбек тили аҳволи учун жуда ачинарлидир.

Ҳозиргача ушбу мавзу ҳақида тўлиқ маълумотлар йўқлиги ва тўлиқ маълумотли мақолалар ёзилмаганлиги учун, ушбу янги мавзу танланиб тадқиқ қилинган. Чунки, Афғонистондаги телеканаллар ва ижтимоий тармоқларда ўзбек тили бўйича бўлган ишларни очиклаб кўрасатиш, ижтимоий тармоқларда ўзбек тилининг ўрни ҳамда Афғонистоннинг ўзбек фуқароларининг ҳозирги наслининг она тилига қизиқишларини юзага чиқариб, ёзма шаклда ёзиб, ўзбек тилининг зиёли вакиллари айниқса келаси авлодларимизга қолдириш мақсадида ушбу мақолани диққат билан текшириб, яқунлантирилганмиз.

Шунингдек, ҳозирда Афғонистонда телевидениялар фаолияти тугатилганидан сўнг ўзбек тили аҳволи янада оғирлашди. Бу эса келажакда зарур ишларни ташкиллаштириш ўзбек тилини жонлантириш эҳтиёжи борлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қуҳкан Муҳаммад, Олим. Афғонистон еткармаларида қўлланиладиган Ўзбек тили // 29 Мизон Ўзбек Тили Миллий Куни ва мақолалар ва шеърлар тўплами. /Лабиб Муҳаммад Олим ва бошқалар. – Қобул: Вожа, 2020. – Б. 10.

2. Қуҳкан Муҳаммад, Олим. Жойгоҳи забони Ўзбеки дар Афғонистон, аз гузаштаи маҳрум то тажлили он дар сатҳи миллий // Қобул. Афғонистон. ББС, www.bbc.com/кабул/афганистон. 2020.10.20

3. Расонаҳо дар Балх // <https://icro.ir.01.04.2022>.

4. Талвизион ойна // www.payam-aftab.com. 01.07.2008.

5. Тўлқин Муҳаммад, Ҳасан. Ўзбек тилининг давлат идоралари нашротигадики ўрни // 29 Мизон Ўзбек Тили Миллий Куни ва мақолалар ва шеърлар тўплами. /Лабиб Муҳаммад Олим ва бошқалар. – Қобул: Вожа, 2020. – Б. 21.

6. Тўлқин, Абдуррасул. Маршал Дўстумнинг тил, маданият, эл ва юрт йўлида қилган ишлари // Унутилмас мақолалар ва шеърлар тўплами /Лабиб Муҳаммад Олим ва бошқалар. – Кобул: Вожа, 2020. – Б. 88.

7. Туйғун, Сайид Ҳусомуддин. Афғонистон ўзбек тилининг еткармалар ва ижтимоий тармоқлардаги аҳволи // Унутилмас мақолалар ва шеърлар тўплами. /Лабиб Муҳаммад Олим ва бошгалар. – Кобул: Вожа, 2020. – Б. 279.

8. Халиқ, Муаҳаммад Солиҳ. Тарихи рўзноманигорий Балх. Анжумани навийсиндағони Балх. – Техрон, 2017.

9. Шаръий Жувзжони, Сайид Абдулҳаким. Авомили уруж ва нузули забони Туркий ва Ўзбекий дар маҳдудайи Афғанистон // <https://www.uzlig.com>.28.04.2021.